

Сарҳисоб: 2025-йилда кимё саноатида барқарор ўсиш қайд этилди

// 30.01.2026

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/sarhisob-2025-yilda-kimyo-sanoatida-barqaror-usish-qayd-etil>

2025-YILDA KIMYO SANOATIDA ISHLAB CHIQUARISH KO'RSATKICHLARI



Asosiy ko'rsatkichlar:

- **21,4 trln so'm** – tovar mahsulotlari ishlab chiqarrildi
- O'sish sur'ati: **108,1%**

Mineral o'g'itlar ishlab chiqarish (sof holda):



2025-йилда кимё корхоналари томонидан жами 21,4 трлн сўмлик товар маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Ўсиш суръати 108,1 фоизга етди.

Ҳисобот даврида соф ҳолда 1 453,8 минг тонна минерал ўғитлар ишлаб чиқарилди. Жумладан, 1 112,1 минг тонна азотли ўғитлар, 121,0 минг тонна фосфорли ўғитлар ва 220,6 минг тонна калийли ўғитлар ишлаб чиқарилди.

Кимё саноатида эришилган ушбу натижалар соҳанинг барқарор ривожланаётганини ҳамда ички бозор эҳтиёжларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётганини кўрсатади.